

ЎЗБЕКИСТОН БУЎНУОДКОРИ



СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@uamail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

Шу куннинг гаплари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги "Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2021-2022 йиллар давомида камида **500 та** маҳалла фуқаро йиғинларининг эски биноларини давлат-хусусий шериклик асосида замонавий кўринишда қайта қуриш бўйича тадбиркорлик субъектлари билан келишувга эриштирилиши таъминланиши белгиланди.

Қурилиш вазирлиги манфаатдор идоралар билан бирга

Уч ой муддатда

транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув объектлари, гидротехника иншоотлари, магистрал қувурлар, электр тармоқлари объектларининг муҳофаза зонаси чегараларини белгилаш параметрларини уларнинг мақбуллаштирилишини назарда тутиб қайта қайта кўриб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақлим киритиши вазифаси юклатилди.

Қурилиш вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда

бир ой муддатда

кўп қаватли уйлارнинг ертўраларидан тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш, турар жойини нотураб жой тоифасига ўтказишга рухсат этиш тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича тақлимларини Вазирлар Маҳкамасига киритиши белгиланди.

ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 22 апрель куни

ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси кенг қамровлиги билан иқтисодиётда, аҳоли ҳаётида муҳим ўрин тутadi. Бу соҳада янги иш ўринларини кам харажат билан ва тез муддатда ташкил этиш мумкин. Аҳоли даромадларининг реал ўсиши ҳам аввало хизматлар ривожига сезилади.

Коронавирус пандемияси бу соҳага салбий таъсир кўрсатди. Шу боис, тадбиркорларга 24 та турдаги солиқ имтиёзлари, субсидия ва бошқа преференциялар тақдим этиш орқали 35 триллион сўмлик кўмак берилди. Бу енгилликлар ҳам тадбиркорлар, ҳам банклар учун катта имконият бўлди.

Масалан, ўтган йили тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида хизмат соҳасига 1 триллион сўм имтиёзли кредит ресурслари берилган. Бундан ташқари, тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча 14 триллион сўм кредитлар ажратган. Кенг имтиёзлар берилгани натижасида сервис соҳаларида ўзини ўзи банд қилган 500 минг нафар фуқаро расмий рўйхатдан ўтган.

Жойларда тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувларда янги хизмат турларини йўлга қўйиш бўйича муносабатлар, ташаббуслар кўп бўлмоқда. Улар асосида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари жорий йилда хизматлар соҳасида 59 триллион сўмлик 42 мингта янги лойиҳани амалга ошириш, 150 мингта доимий иш ўрни яратиш бўйича режалар белгиланган.

Йиғилишда Президент ҳар бир лойиҳа ижросини назоратга олиб, тадбиркорларга кўмаклашиш, шу билан бирга, янги лойиҳаларни шакллантириб бориш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, хизматларни кенгайтириш, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, илғор тажрибалар ва намунавий лойиҳаларни жорий этиш бўйича янги методология яратиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун, Ўзбекистон миллий банки ҳузурида хизматларни ривожлантириш бўйича лойиҳа-таҳлилий маркази ташкил этилади ва барча вилоятлардаги филиалларида унинг бўлимлари очилади. Уларда аҳолига намунавий тайёр бизнес лойиҳаларни тақдим этилади, касбга ўқитишдан бизнесни йўлга қўйишга булган комплекс хизматлар кўрсатилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни молиявий таъминлаш масаласига алоҳида тўхталди.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил хизматлар соҳаси учун банклар томонидан камида 18 триллион сўм кредитлар йўналтирилади.

Бундан ташқари, давлат томонидан тижорат банклари орқали қўшимча 300 миллион доллар ажратилади. Шундан 150 миллион доллар 1 июлгача жойларга етиб боради.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, маҳаллага бириктирилган масъуллар билан бирга "маҳалла - туман - банк" принципи асосида лойиҳалар рўйхатини шакллантиради. Бунда, ҳар бир маҳаллада камида 20 турдаги, туман ва шаҳарда камида 70 та турдаги хизматлар бўлиши назарда тутилади.

Шунингдек, Миллий банк томонидан 28 та йирик ва ўрта шаҳарларда туризм, транспорт, тиббиёт, таълим хизматлари ҳамда йирик савдо комплекслари ташкил этиш учун қўшимча 200 миллион доллар маблағ жалб қилинади.

Умуман айтганда, бюджетдан ва Миллий банк томонидан хизмат кўрсатиш соҳасига жами 500 миллион доллар ёки 5,5 триллион сўм йўналтирилади.

– Топпириқ беришдан олдин шaroит яратаямиз, пуллар ажратаямиз. Биргина хизматлар соҳасига 500 миллион доллар бераямиз. Буни агар ҳалол-поқ ишласак, неча минг ишчи жой пайдо бўлади. Ҳар бир вазир ватанпарвар бўлиб, "ўзининг аравасини ўзи тортиб", берилган бир сўм пулни қадрлаб, жойига етказса, одамлар ишонади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бунинг учун вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўз йўналишида хизматлар ривожини унун ҳаракат қилиши зарурлиги қайд этилди.

– Вазирлар ўз соҳасида хусусий сектор фаолияти учун ҳуқуқий база яратиши, рухсат бериш талабларини соддалаштириб, тадбиркорликка йўл очиши зарур. Қаерда давлат корхонаси, қайси фаолият бўйича давлат-хусусий шериклик ёки хусусий сектор бўлиши аниқ қилиб белгиланиши керак, – деди Президент.

Мисол учун, охириги 2 йилда 6 мингга яқин кўп қаватли уйлар қурилган. Уларнинг эксплуатацияси бўйича бошқарув компаниялари ташкил этиш, мавзелар ичида тури хизматларини йўлга қўйиш мумкин.

Ёки, хавфсизлик талабларини қўйган ҳолда, аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар ҳудудларида, магистрал йўллар ёқасида савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш тадбиркорларни даромад, аҳолини иш билан таъминлайди.

Ахборот соҳасида хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш, нархларни арзонлаштириш ва сифатини ошириш ҳисобига алоқа ва интернет хизматлари ҳажминини камида 2 бараварга, дастурлашни 3 бараварга ошириш имконияти бор.

Худди шу каби, барча вазирлик ва идоралар тизимида фойдаланиш зарур бўлган йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Сервисни аҳолига яқинлаштириш мақсадида маҳаллаларда енгил конструкциялардан хизматлар маркази барпо этиш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, 28 та шаҳар ҳамда аҳолиси 150 мингдан кўп бўлган туман марказларида савдо ва хизматлар учун махсус кўчалар ташкил этилиши белгиланди. Уларда 100 мингта тадбиркорлик субъектларини жойлаштириш имкони мавжуд.

Хизмат кўрсатишда энг муҳим масала – бу манзилни тўғри танлаш. Шу боис Қурилиш вазирлигида вилоят ҳокимлари билан бирга, савдо ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган кўчалар ҳамда марказларнинг жойини танлаб, лойиҳасини ишлаб чиқиш, лотларга бўлиб, танлов асосида савдога чиқариш топширилди. Хавфсизлик чораларини қўриб, ушбу савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг куну тун ишлашига рухсат берилиши ҳам мумкин.

Кўп тармоқли шифоналар ва унинг атрофида хусусий шериклик асосида тиббиёт кластерлари, олий ўқув юртлири ҳудудида хорижий тиллар, тайёрлов ва касбга ўргатиш курслари ташкил этиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Йиғилишда мутасаддилар жойлардаги салоҳиятни юзага чиқариш, ташаббускорларни қўллаб-қувватлаб, хизматлар ҳажминини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Аҳолини уй-жойлар билан таъминлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти" мавзусида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда мутасадди ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини уй-жойлар билан таъминлаш, бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари ажратилишига янги тартибни кенг жорий этиш, шунингдек, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан жамоатчиликка маълумот берилди.

Очиқ мулоқотда жамоатчиликка муҳим маълумотлар берилди

Райхона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Очиқ мулоқотда қурилиш вазирлигининг ўринбосари Шухратўжа Хошимов кўп квартиралар уй-жойлар қурилиши учун ўрнатилган шартлар, уй-жойлар қурилиши ҳолати, сифати ва белгиланган муддатларда топширилишини таъминлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан батафсил маълумот берди.

– Жорий йилда 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш вазифаси белгиланиб, давлат дастури асосида 45 минг хонадонли уйлар қурилиши кўзда тутилган. Янги тартиб асосида шаҳар ва қишлоқ жойларда кўп квартиралар уй-жойлар қурилиши учун ипотека кредитлари ажратилади, – деди у ўз маърузасида.

Шунингдек, аҳолини ижтимоий турар жой билан таъминлаш учун қишлоқларда 8 336 та – "Қишлоқ қурилиш инвести", шаҳарларда 3 550 та – "Узашаҳар қурилиш инвести" иштирокида уй-жойлар қурилиши режалаштирилганини таъкидлади.

Шу билан бирга бу борада қуйидаги вазифаларнинг бажарилгани ва келгусида амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиб ўтди.

Хусусан, маҳаллий ҳокимликлар томонидан ўтган даврларда қурилган массивлар ва кўп қаватли турар жой комплекслари ҳудудларидаги бўш ер майдонлари хатловдан ўтказилиб, уй-жойлар қуриладиган ер участкаларининг шакллантирилган манзили рўйхати Ҳукумат томонидан тасдиқланди. Жорий йилда жами 1 048 та кўп квартиралар уй-жойлар қурилиши учун зарур бўлган 175 та муҳандислик-коммуникация тизимларига яқин бўлган массивлар танлаб олинган. Тасдиқланган массивларнинг топогеодезия, геология қидирув ишлари ва массивлар қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун 18,1 млрд сўм ажратилиши белгиланди. Ҳудудларда буюртмачиларга лойиҳаларни ишлаб чиқиш, манзили рўйхатларни шакллантириш, қурилиш ва молиялаштиришни ташкил этиш учун аниқ муддатлар белгилаб берилди.

2-бет

"Ургут" эркин иқтисодий зонаси – Самарқанд иқтисодиётининг таянчи бўлади

Ғолиб ҲАСАНОВ, Ў.А. мухбири.

2016 йил октябрь ойида Самарқандга ташириб буюрган давлатимиз раҳбари Ургут саноат ҳудудидagi ишлар, амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар билан танишган эди. Ургутлик тадбиркорлар билан суҳбатлашиб, уларни қийнаётган масалалар билан қизиққан, самарали фаолият олиб боришлари учун қандай имкониятларни яратиш зарурлигини сўраганиди.

Шундан сўнг, 2017 йил 12 январда Президент фармони билан Самарқанд вилоятида "Ургут" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди. Саноат зонаси учун Ургут, Пастдарғом, Нуробод туманлари ҳамда Самарқанд шаҳри ҳудудида 918 гектар ер майдони ажратилди.

2-бет



Қурилиш вазирлигида

Халқаро ҳамкорлик


Кеча Қурилиш вазири Батир Закиров Корея-Ўзбекистон бизнес ассоциацияси (КУБА) раисининг биринчи ўринбосари Ким Чанг Кеон бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашди.

Мулоқот давомида корейлик ҳамкорлар Қўқон шаҳрида Жанубий Корея стандартларига мувофиқ қуриладиган замонавий «Kokand Hanshin Park City»

замонавий турар-жой мажмуаси лойиҳасини тақдим этдилар.

Қурилиш ишлари жорий йилнинг сентябрь ойида бошланиши режалаштирилган.

Шу билан бирга томонлар «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ, «Тошуй-жойлоти» АЖ ва «Узоғирсаноатлоийҳа» АЖ негизида Ўзбекистонда «Hanshin Engineering & Construction Co Ltd» компанияси билан қўшма лойиҳалаштириш институтини ташкил этиш масаласини ҳам муҳокама қилдилар.



Очиқ мулоқотда жамоатчиликка муҳим маълумотлар берилди



1-бет

Шаҳар ва қишлоқ жойларда кўп қаватли уй-жойларни барпо этишга мўлжалланган массивлар қурилиш концептуал лойиҳа тақлифлари ишлаб чиқилиб, айни пайтда 29 та кўп квартиралар уй-жойларни қуриш бўйича пудрат ташкилотлари аниқланди.

Аҳолига яқка тартибдаги 9 типдаги 3, 4 ва 5 хонали уйлар қуриш намунавий лойиҳалар бепул фойдаланиш учун вазирлик веб-сайтида жойлаштирилди ва доимий аянганиб борилади.

Қурилиш вазирлигида ҳар ҳафта доимий равишда ҳудудий ҳокимликлар, тегишли вазирликлар ва идоралар иштирокида йиғилиш ўтказилмоқда. Тошчирик ижросини таъминлаш юзасидан ер ажратилиш, харид жараёнлари, ишларни бажариш, молиялаштириш бўйича барча

босқичлар ва муддатлар кўрсатилган ҳолда тегишли ташкилотларга расмий мурожаатлар юбориларди. Намунавий танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, улар асосида Қурилиш вазирлигининг ҳудудий тендер консалтинг марказлари томонидан ҳар бир объект бўйича бирламчи ҳужжатлар тайёрланмоқда. Пудрат ташкилотларини молиявий барқарор, етарли моддий техник база ва салоҳиятли мутахассисларга эгалари Қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингига СС ҳамда ундан юқори даражада бўлганлар рўйхатидан танла олиш талаби киритилди. Уй-жойлар қурилиши устидан давлат назорати Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан олиб борилади.

"Шаффоф қурилиш" тизимида уй-жойлар лойиҳавий техник кўрсаткичларининг электрон маълумотлар базасини ишга тушириш учун хабарномалар ва ўрганиш натижаларига

кўра маълумотлар базаси шакллантирилмоқда. "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида кўп квартиралар уй-жойлар бўйича маълумотларни умумлаштириш назарда тутилган. Бунда Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарори регламенти асосида қурилишни бошлаш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан киритиладиган уй-жойларнинг манзили, қурилиш учун асос, умумий майдони, квартиралар сони, уйлар нархлари бўйича маълумотлар шакллантирилади.

Жойларда бевосита ижрочилар ишларни тўғри ташкил этиши учун Ҳукумат ва тегишли вазирликлар раҳбарлари иштирокида бир ҳафталик ўқув семинари ташкил қилиниб, ҳудудий ҳокимликлар, банклар ҳамда буюртмачилар томонидан амалга оширилиши керак бўлган йўналишлар белгилаб берилди.

Массивларнинг қуриш лойиҳалари муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан узвий боғланган ҳолда босқичма-босқич ишлаб чиқилади. Хусусан, биринчи босқичда массивларнинг қуриш лойиҳаларида жорий йилда қурилиш режалаштирилган кўп қаватли уй-жойлар жойлаштирилади. Иккинчи босқичда эса уй-жой дастури доирасида танланган массивларда кўп қаватли уй-жойлар қурилиши намунавий лойиҳалар асосида амалга оширилиши тавсия этилмоқда.

Тадбиркор мулкни давлат рўйхатидан ўтди

Ғофиржон СОЛОМОВ,
Пахтаобод тумани адлия бўлими бошлиғи.

Яқинда Адлия бўлимига туманимизда фаолият кўрсатаётган "Навқирон қурилиш" МЧЖ раҳбари Ҳотамжон Исмонов мурожаат қилиб, 2020 йилда "Учкўза" МФЙ ҳудудида 5 қаватли 30 хонадон (2-3 хонали) бинони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган "Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман давлат хизматлари марказига мурожаат қилгани, бироқ ДХМ масъул ходими кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш мақсадида Андижон вилояти Давлат кадастрлар палатаси Пахтаобод тумани филиали томонидан берилган рақамни тизимга киритганда ушбу рақам тизим томонидан қабул қилинмаган.

Масалани ҳал қилиш мақсадида тадбиркор Андижон вилояти Давлат кадастрлар палатаси ҳамда унинг туман филиалига бир неча бор учраган бўлса-да, натижага эриша олмади, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Бу ҳолат бўйича олиб бориладиган ўрганишлар жараёнида Пахтаобод тумани ДХМ бўлими ходимлари кадастр органлари томонидан берилган кадастр рақамлари тизимга киритилмагани, лекин тизим томонидан маъмур рақам бўйича объект қиймаётганини маълум қилган. Давлат кадастр палатаси Андижон вилояти бошқармаси Пахтаобод тумани филиали томонидан 2021 йил 13 апрель кўни тақдим этилган 01-06-583/04-сонли билдиргида филиал томонидан бино-иншоотга рақам беришда, яъни электрон тизимга киритишда муаммо йўқлиги маълум қилинган.

Ваҳоланки, ўрганиш даврида Давлат кадастр палатаси Андижон вилояти бошқармасининг туман филиали масъул ходимлари томонидан кўп қаватли уй-жой учун рақам беришда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, минерал ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 12-банди талабларига риоя этмагани аниқланди.

Ҳолатга Пахтаобод тумани адлия бўлими қонуний аниқлик киритгач, тадбиркорга тегишли бўлган 5 млрд сўмлик кўчмас мулк яқинда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Адлия бошқармаси ташаббуси билан жорий этилган "Адлия тадбиркорга дўст" лойиҳаси доирасида тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоялаш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни етказиш юзасидан ходимларимиз жойларда тадбиркорлар ўтказишмоқда.

Сўхдаги бунёдкорликлар

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Президентимизнинг "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ҳудудда 95 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Мазкур ишлар ҳисобига 5 мингга яқин янги иш ўринлари яратилади. Биргина 2020 йилда 71 миллиард 204 миллион сўмлик 68 та инвестиция лойиҳалари жорий этилгач 1 595 та янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, умумий қиймати 49 миллиард 955 миллион сўмлик 55 та лойиҳа ишга туширилди ва натижада 693 нафар сўхлик ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Фарғона минтақавий филиали ҳисобидан туманда тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида 2 миллиард 700 миллион сўм имтиёзли кредит берилди ва айни кунларда шу асосда ишлар олиб боришмоқда.

Тадбиркорликка кенг йўл очилгани, зарур барча шароит ва имкониятлар яратиб берилётгани республикамизнинг энг чекка анклавида – қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадоғ ҳудудда жойлашган Сўх туманида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида қатор қурилиш ташкилотларининг фаолияти диққатга сазовор.

– Яқинда йирик ишлаб чиқариш иншоотлари – "Хонгузари Мирзобек" ва "Oq saqoy paint" МЧЖлар ўз фаолиятларини бошлади, – деди Сўх тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси Мухриддин Бойбабаев. – Мазкур корхоналарнинг фаолиятига старт берилиши тадбиркорликнинг ривожига яна бир қадам қўйилди деганидир. Тажрибали тадбиркор – Олимжон Домуллов ва соҳанинг ёш вакили Манучеҳр Мирзобековларнинг сазой-ҳаракати билан бугунги кунда туманининг ишлаб чиқариш салоҳияти юксалмоқда. Бу корхоналарда "Сўх туманида ишлаб чиқарилган" тамғаси остида қуруқ қурилиш материаллари, гипс ва мел, МДФ эшик-ромлар, газоблок, пишик ғишт, рангли буюк, травертин, гипсоблок ҳамда гипсопиталар тайёрланарди. Инвестицион лойиҳаларнинг умумий қиймати 29,2 миллиард сўмни ташкил этади.

Яқин кунларда минтақада "Хонгузари Мирзобек" ишлаб чиқариш кластери ҳам ташкил этилади. Ҳозир фаолият кўрсатаётган корхоналарда 100 нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланган. Уларнинг 30 нафари "Ёшлар дафтари"га киритилганлардир.

Маъмурий органлар ва шахсларнинг муносабатларини қандай тартибга солинади?

Бунёд АЗИЗОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи.
ЎЗА

Маъмурий органлар билан жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунда ўз ифодасини топган.

Маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан, давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари,

шунингдек, ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар маъмурий органлар ҳисобланади. Ушбу органлар томонидан бевосита жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларига дахлдор маъмурий ҳужжатлар қабул қилинади. "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунда акс этган айрим жиҳатлар ҳақида фикр юритамиз.

Маъмурий ҳужжат нима?
Маъмурий ҳужжат – бу маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларини юзага келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёҳуд

муайян хусусий белгиларига кўра, ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи таъсир чораси ҳисобланади.

Маъмурий тартиб-таомил нима?
Маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалари маъмурий тартиб-таомил ҳисобланади.

Маъмурий қонун қайси фаолиятларга татбиқ этилади?
Қонун маъмурий органларнинг маъмурий тартиб-таомил нисбатан

маъмурий-ҳуқуқий фаолияти, шу жумладан, лицензия, рўхсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомиллари, давлат хизматлари ни кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомиллар, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади.

Қонун қайси фаолиятларга татбиқ этилмайди?
Ушбу қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш,

мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, давлатчилик тергов, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонуннинг қўлланилиш соҳасига кирувчи муносабатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги лозим.

"Ургут" эркин иқтисодий зонаси – Самарқанд иқтисодиётининг таянчи бўлади

1-бет

Бугунги кунда "Ургут" эркин иқтисодий зонасида қиймати 402 миллион доллардан зиёд 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу пайтгача 313 миллион долларлик 55 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, ҳудудда бир қатор sanoat корхоналари иш бошлади ва уларда 4300 нафардан ортққ киши меҳнат қилапти. Ушбу корхоналар томонидан газ плиталари, енгил sanoat ва чарм-пойабзал товарлари, гиламлар, гигиена воситалари, электр техникаси буюмлари каби 220 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. 2020 йилда 1,2 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланди, 30 миллион долларлик экспорт қилинган.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Ургутда бўлиб, эркин иқтисодий зонада фаолият кўрсатаётган корхоналар фаолияти билан танишиб, тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

– Давлатимиз раҳбарининг Ургутга бу галги ташрифи бундан тўрт йил аввал айтилган фикрлар, ўртага ташланган айтилган ташаббусларнинг амалий натижаси билан танишув бўлди, десак муболага бўлмайди, – дейди "Ургут" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси бошлиғи Жамшид Ҳайдаров. – Президентимиз фаолияти билан танишган корхоналар, намойиш этилган маҳсулотларнинг барчаси "Ургут" эркин иқтисодий зонасининг меvasи, кейинги уч-тўрт йилда амалга оширилган лойиҳалар. Масалан, Сариктепа массивида ҳозирда ўнлаб йирик корхоналар фаолият олиб бораётган жой тўрт йил аввал катта дашт бўлган. Бу ерда на коммуникация тармоқлари, на бир бино, иншоот бор эди. Ҳозир эса бу ер кичикроқ бир шаҳарча кўринишини олди. Уч-тўрт корхона ишлаб турган Мерганча массивида ҳам ҳозир бўш жойнинг ўзи қолмади. Ҳаммаёқ ишлаб чиқариш, sanoat корхоналари билан тўлди. Худди шундай, иқтисодий зонага ажратилган Пастдарғом туманининг Дўстлик, Нурободнинг Сазагон, Самарқанд шаҳрининг Хишрав-2 массивларида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолият бошлади. Яна 29 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда. Бундан ташқари, қиймати 144 миллион долларлик 21 та қўшимча лойиҳа шакллантирилган, 33 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари ҳудуддаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маъмурий техника воситалари, гилам ва гилам маҳсулотлари, енгил sanoat ва чарм-пойабзал товарлари, қурилиш материалларини кўздан кечириб, замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган бу маҳсулотларнинг сифатини янада ошириш ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш, экспорт миқдори ва географиясини кенгайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди. Айни пайтда 60-70 физици ташкил этаётган маҳаллийлаштириш даражасини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

"ИНСОН АСТОЙДИЛ НИЯТ ҚИЛСА, АЛБАТТА ЭРИШАР ЭКАН"

"Urgutini" ва "USS" бренди остида эркаклар кўйлақлари ишлаб чиқараётган "Urgut sanoat servis" корхонаси раҳбари, ёш тадбиркор Мажидхон Исмолов Президент билан суҳбатлашиб, давлат раҳбарининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлганидан ҳали-ҳануз ҳаяжонда.

– Давлатимиз раҳбари бизнинг маҳсулотларимиз намойиш этилаётган жойга келиб, "Сен ҳақингда эшитдим, хорижга бориб иш ўрганиб келиб, ўзимизда ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган экансан,



рахмат сенга" деганларида қалбим фахр ва ифтихорга тўлди, – дейди М. Исмолов. – Жуда самимий, очиқча гаплашдилар, оталардек меҳрибонлик кўрсатдилар. Туркияга бориб иш ўрганиб келиб, "Ургут" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилгач, берилган имтиёزلардан фойдаланиб, ўз корхонамга эга бўлганим, хориж брендларига ҳавас қилиб, миллий брендимизни яратганим ҳақидаги гапларимни диққат билан эшитдилар. Фаолиятимни қўллаб-қувватлаб, қандай ёрдам керак бўлса, имконият яратиб беришларини айтдилар. Аслида, бугун sanoat зонамизда тадбиркорга қандай имтиёз ва енгиллик, имконият керак бўлса, барчаси яратилган. Бундан миннатдор бўлишимиз керак. Яна денг, Президентимиз Самарқандга келишидан икки кун олдин ёшлар масаласида видеоселектор йиғилиши ўтказиб, тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган ва шундай ниятдаги ёшларга катта имтиёزلар бердилар. Ёшларни ишга қабул қилган корхоналар ҳам кўп енгилликларга эга бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, шу ҳақда айтиб, у кишига миннатдорчилик билдирдим.

2017 йилда фаолиятини ижарага жой олиб, беш-ўн та тикув машинаси ва шунча ишчи билан иш бошлаган М.Исмолов бугун иқтисодий зонадаги истиқболли корхонанинг эгаси. 50 дан ортққ ишчи, асосан ёшлар Туркия ва Хитойдан келтирилган ускуналар ёрдамида йилига 600 минг дон эркаклар кўйлағи ишлаб чиқармоқда. Ўтган йил корхона 10,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 100 минг долларлик маҳсулот экспорт қилган. Бу йил эса ишлаб чиқаришни 2,2 миллиард сўмга, экспортни икки баробар ошириш режалаштирилган.

САВДОГАРЛИКДАН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛИККА

"UR JEANS" масъулияти чекланган жамияти эркин иқтисодий зонада тадбиркор ёшлар томонидан ташкил этилган яна бир истиқболли корхоналардан бири. 1,6 миллион долларлик мазкур лойиҳа уч йил давомида амалга оширилиб, ўтган йил апрель ойда ишлаб чиқариш фаолиятини бошлади. Бу ерда йилига 510 минг дон шим, тунги кийим ва бошқа кийим-кечак тайёрлаш мумкин.

– Фаолиятимизни ака-укаларимиз билан бирга савдо-сотикдан бошлаганимиз, – дейди корхона раҳбари ўринбосари Даврон Ҳалимов. – Хитой, Туркия ва бошқа давлатлардан кийим-кечак олиб келиб сотардик. Кейин ўзимизнинг туманимизда бир неча корхоналар очилиб, тадбиркорлар ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошлагач, бизда ҳам шундай истак туғилди. "Ургут" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилиб, тадбиркорларга кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилгач, бу истагимиз қатъий мақсадга айланди. Лойиҳа ишлаб чиқиб, дирекцияга тақдим этганимиздан сўнг бизга Сариктепа массивидан бир гектар ер ажратиб берилди. Икки йил давомида қурилиш ишларини бажариб, Германия, Туркия ва Хитойдан замонавий тикув машиналари ва бошқа жиҳозлар келтириб, фаолият бошладик. Асосий йўналишимиз – эркаклар кийим-ке-

чалари, жинси шим ишлаб чиқариш. Шу пайтгача бундай маҳсулотлар бизга асосан хориждан келтирилган. Энди ўзимизда тайёрланмоқда. Хозирча юртимизда ишлаб чиқарилган ва Хитойдан келтирилаётган матодан фойдаланяпти. Лекин яқин йилларда иккинчи лойиҳани амалга ошириб, матони ҳам ўзимиз ишлаб чиқармоқчимиз. Шунингдек, оёқ кийимлари тайёрлашни йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

Дастлаб 25 нафар ишчи билан фаолият бошлаган корхонада ҳозирда 70 киши доимий иш билан банд. Жорий йилнинг биринчи чорағида 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 100 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ХУДУДИ ҲАМ, ИМКОНИЯТЛАРИ ҲАМ КЕНТАЯДИ

Давлатимиз раҳбари ташрифи давомида, шунингдек, вилоят фаоллари иштирокидаги йиғилишда "Ургут" эркин иқтисодий зонаси имкониятларидан самарали фойдаланиш, янги ва истиқболли лойиҳаларни қўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Жумладан, Ургут sanoatни ривожлантиришга ихтисослашган инновацион ва инвестицион туманга айлан-тирилади. "Ургут" эркин иқтисодий зонаси ва унинг филиалларида поли-этилен маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш лойиҳаларига 500 миллион доллар, электротехника sanoati лойиҳаларини амалга ошириш учун 250 миллион доллар жалб этилади. Ишлаб чиқилган 144 миллион долларлик 21 та лойиҳа учун зарур миқдорда кредит ажратилади.

Эркин иқтисодий зонага берилган имтиёزلар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларига қўлланилади, ҳар бирига камида 50-100 миллион доллар инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига, 200 гектар майдонда умумий қиймати 1 миллиард долларлик қўшимча sanoat лойиҳалар амалга оширилади. Ушбу лойиҳаларни сифатли ишлаб чиқиш ва ижросини тизимли таъминлаш учун Лойиҳалар фабрикасининг "Ургут офиси" ташкил қилинади.

– Давлатимиз раҳбарининг Ургут туманини тўлиқ эркин иқтисодий зонага айлантириш ҳамда вилоятнинг барча ҳудудларида эркин иқтисодий зона филиалларини очиб ҳақидаги ташаббуси вилоят иқтисодиёти, тадбиркорлик ривожини учун тарихий аҳамият касб этади, – дейди "Ургут" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси бошлиғи Жамшид Ҳайдаров. – Бундан ташқари, иқтисодий зона негизда холдинг компанияси ташкил этилиши тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшикларини очади. Умуман, Президентимизнинг бу галги ташрифлари бизнинг фаолиятимизда ҳам янги даврни бошлади.

Ҳа, давлатимиз раҳбарининг эътибори, яратиб берилётган имкониятлар тўғрисида ташкил этилганга энди-гина беш йил бўлаётган "Ургут" эркин иқтисодий зонасидаги ўсиш-ўзгаришлар қамрови энди бутун вилоятни қамраб, мамлакатимиз иқтисодиётида ўз аксини топади. Самарқандда тадбиркорлик, ишбилармонлик муҳити янада ривожланади.

ЮТУҚЛАР СОЯСИДА ҚОЛАЁТГАН МУАММОЛАР

уларга ким ва қачон ечим топади?

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сирдарё кўпригидан ўтишингиз билан вилоят маркази Гулистон шаҳригача борсангиз худдики яна Тошкентга қайтиб келаётгандай ҳис этасиз ўзингизни. Чунки катта трассанинг икки томонини сўнги йилларда бунёд этилган замонавий турар жойлар ва ҳар хил ишлаб чиқариш корхоналари, бозорлар, маданий масканлар, мўъжаз спорт майдончалари безаб турибди.



Бу жойдаги ободонлаштириш ишларига эса таърифга сўз ожиз, узоқ даврлардан буён сақланиб келган янтоқзор, қамишзорлар ўз ўрнини гулларга, манзарали ва мевали дарахтларга бўшатиб берган. Уларни кўриб, дилингиз яйрайди, қалбингиз гурурга тўлади, мана шундай ватанда яшаётганингизга минг бора шукроналар келтирасиз. Ҳолбуки,

деганда, ишонинг, бу бор ҳақиқат. Муқтақиллик неъматларидан баҳраманд бўлиб яшаётган 70 мингдан ортиқ аҳолининг ҳаракат ва шижоаи ҳам бугун бошқача тус олган. Бу жиҳатдан маҳаллий аҳоли билан суҳбатга киришсангиз, ҳар бир сўзидан бугундан кўра, эртага янада яхшироқ яшаш учун интилаётганини билиб оласиз.

бир нечта янги кўп қаватли бинолар бунёд этилди ва ана шу жараён йилдан йилга кенгайтириляпти.

Эсини танигандан буён агросаноат мажмуидан бошқа ишни билмаган кишиларнинг бугунги бажараётган юмушларига эътибор қаратсангиз, қойил қоласиз. Яқингача мана шу қадоқ кўллар ғўзага ишлов бериш ва пахтани йиғиштириб олишдан бошқасини ҳис қилмас, елқасидан эса отамерос кетмон тушмасди. Ширкат хўжаликлари мулкдорлар кўлига ўтгандан сўнг қишлоқ хўжалигидан бўшаб қолган кишиларнинг аксарияти замон талабидидаги қисқа курсларда қурувчилик, чилангарлик, тижорат ва тадбиркорлик каби соҳалар бўйича касб-хунарларга ўқитилди. Касбларга ихтисослашган кишиларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида туман маркази ва маҳаллаларда бир-бирини такрорламайдиган савдо тармоқлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дорихоналар, ихчам ишлаб чиқариш корхоналари, миллий хунармандчилик цехлари, қурилиш боп материаллар тайёрлаш цехлари қурилиб, юзлаб кишиларнинг меҳнатга бандлиги таъминланган.

Ўтган даврда барқамол авлод таълим-тарбияси ва уларга етарли шароитлар яратиб бериш бўйича ҳам давлат дастурлари доирасида бир қанча ишлар қилинди. Жумладан, "Ишонч" МФЙ ҳудудида "Анварбек" МЧЖ томонидан 325 ўринли мактаб биноси, "Мевазор" МФЙ ҳудудида "Босим Олим ҳамкор" МЧЖ жамоаси 7-сонли мактабга қўшимча 240 ўринли янги бино, "Соҳилобод" ҚФЙда "Боёвут Обод Диёр" МЧЖ бунёдкорлари икки қаватли замонавий мактабгача таълим ташкилотини қуриб беришган.

Президентимизнинг ташаббуси билан йўлга қўйилган "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафта-

ри"ни юриштиш юзасидан туманда тузилган махсус комиссия фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Гуруҳ саъй-ҳаракати туфайли узоқ даврдан буён иш тополмасдан уйда ўтириб қолган хотин-қизлар рўйхати шакллантирилиб, уларнинг хоҳиши бўйича қисқа мuddатли касбга йўналтирилди. Бугунги кунда ҳудудда 600 нафардан ортиқ аёллар хунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича фаолият юритяпти, 22 нафар хотин-қизлар эса банклардан имтиёзли кредитлар олиб, тадбиркорликни шакллантирган, ҳар бири камида ўн беш кишини доимий иш билан таъминляпти.

Вақтинчалик камбағаллик мақомини олган ва "Темир дафтар"га киритилганлардан ўн бештасининг оилавий имкониятлари ўрганилгандан сўнг уларга чорвачилик ҳамда паррандачиликни ривожлантириш учун кўмаклашилди. 30 та оила эса ўз хонадонларида деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдиргани боис иссиқхоналар қуриб берилди. Энди ана шу хонадонларда ҳаёт қайнаган, ишлар кўплигидан улар тиним билишмайди. Чунки ҳар бир ҳаракат ўзи ва хонадони учун даромад келтиришини яхши билишади.

Кейинги тўрт йилда мана шу туманда жуда катта ўзгаришлар бўлганидан ёшу кексаларнинг қувончи чексиз эканини эътироф этиш керак. Бироқ сув ичса ариги, экин экса уруги бир бўлган Гулистон шаҳри билан Гулистон тумани уртасида ханузгача айрим қаровуллар борки, уларга эътибор қаратган киши ютуқлар соясидида қолиб кетаётган муаммоларни кўради.

Масалан, Гулистон шаҳридан туман марказигача бўлган 27 километрли асосий йўл қор ва ёмғирлардан сўнг ўйилиб, йўловчи ҳамда ҳайдовчиларни кўплаб ноқулай ҳолатларга тушираётганини шаҳардан қатновчи раҳбарлар, шу соҳа мутахассислари, наҳотки, билишмасан? Энг қизиғи, кўп йиллардан бери шу йўлдан ўз автомобилларида қатнаб ишлаётганлар ҳам охириги марта у қачон таъмирланганини эсполмайди. Бундан ташқари, 15 та маҳалла ва улар урамидидаги 300 километрлик ички йўллар йўлсозларнинг мудроқликдан ўйғонишларига кўз тикиб турибди. Бир нечта маҳаллаларда эса ханузгача ичимлик суви ташиб келтирилади. Яна бир масала – етмиш минг нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган туман марказида халққа хизмат кўрсатадиган талаб даражасидаги шохбекаб йўқ.

Ҳақли савол туғилади: бу қабилар оддий, қундалик камчиликларми ёки муаммоларми? Агар муаммо бўлса, улар эришилган ютуқларга соя солмаётими? Қолаверса, ҳукуматимиз бу йил "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қилиниши лозим бўлган ишлар учун ҳар қачонгидан кўра, катта маблағ ажратди. Ҳўш, Гулистон тумани мутасаддилари-чи, улар бу йўналишга қачон киришиб, у кучлари билан эришган ютуқларини соялардан халос этишади...

Янги уйлар эгаларига топширилди

Шухрат НОРМУРОДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.



Қашқадарё вилоятининг тоғли Деҳқонобод туманида Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлиги йўлида хизмат қилаётган ДХХ ҳарбий хизматчиларининг 24 нафарига янги хонадонлар қалити топширилди.

Шунингдек, Нишон туманининг Туркманистон Республикаси билан chegaradosh қисмида хизмат қилаётган 16 нафар ҳарбий хизматчиларга ҳам янги хонадонлар қалитлари топширилди.

Тантанали тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

Янги лойиҳалар

330 ўринли "Замонавий мактаб"

Райхона ХЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.



Лойиҳачи: АЖ "Toshuyg'oyLITI".
Лойиҳа бош меъмори:
О. Андрюшкевич.

Умумий қурилиш керак бўлган иншоотлар: мактаб биноси, маъмурий жамоат биноси, омборхона, қозонхона, ёпиқ спортзал, йўлак ва майдонлар, мини-футбол майдони.

Қурилиш объекти бўлинмалари: мактаб биноси 2 та блокдан иборат.

"А" блок 3 қаватли, 56,3x21,0 метр ўлчамда бўлиб, унда спорт-

зал жойлашган. Бино деворлари газобетон блоклардан, тўртбурчак шаклда, қаватнинг баландлиги 3,3 метр.

"В" блок 2 қаватли, 24,0x24,0 метр ўлчамли, унда спортзал, фаоллар (актив) зали, ўғил ва қиз болалар учун меҳнат (мастерские) хоналари, "STEAM" лаборатория хонаси, овқатланиш зали мавжуд. Бино деворлари газобетон блоклардан, тўртбурчак шаклда, қаватларнинг баландлиги 3,3 ва 6,0 метр.

Худуднинг умумий майдони – 0,867 га.

Мактабнинг умумий майдони – 0,178 га.

Қурилиш ҳажми – 18 916,1 м³ни ташкил этади.


Лойиҳага кўра, худудларни тўлиқ кўкаламзорлаштириш ишлари назарда тутилган. Бино барча муҳандислик тизимлари (сув, каналлация, электр, иситиш, вентиляция, видеокузатув, ёнғин сигнализацияси) билан таъминланган.

528 ўринли "Замонавий мактаб"

Лойиҳачи:
"Lider prof projekt"
МЧЖ.

Лойиҳа бош меъмори: М. Нормуинов.

Умумий қурилиш керак бўлган иншоотлар: 528 ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаби лойиҳасига кўра, унда ўқув хоналаридан ташқари стадион, спорт майдончалари, югуриш йўлаги



ва яшил майдончалар қуриш режалаштирилган. Мактаб ҳудудида ўқувчилар учун қулай ўқиш жараёни ва дам олишни таъминлаш мақсадида ўриндиқлар ҳамда декоратив фаворалар ҳам мавжуд бўлади. Мактаб ҳудуди металл ва шлакоблок тўсиқлар билан ўралди. Йўллар ва йўлақлар тош ва асфальт-бетондан қурилиши кўзда тутилган.

528 ўринли умумтаълим мактабида синфхоналар 24 ўринли, 22 та синфга мўлжалланган. Инглиз тили, рус тили, информатика, меҳнат хоналари замонавий мебеллар билан жиҳозланган бўлиб, таълим жараёни бир ва икки гуруҳ асосида олиб борилади. Замонавий мактабда бошланғич синфлар, меҳнат хоналари ва тиббиёт хоналарида қўл ювиш жиҳозлари кўзда тутилган. Ҳар бир қаватда ўқитувчи ва ўқувчилар учун ҳожатхоналар мавжуд, барча хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланган.

Умумий майдони – 4 535,66 м².
Қурилиш майдони – 1 924,02 м².
Қурилиш ҳажми – 22 336,5 м³.

Қурилиш объекти бўлинмалари: асосий бино 3 қаватли бўлиб, 4 блокдан иборат. Унда ўқув биноси, ошона ва спортзал жойлашган. Қўшимча бино ва иншоотлар сифатида кириш назорат-ўтказиш пункти, ҳожатхона, ер ости ахлат ва оқва сувлар йиғиш ўраси, иситиш қозонхонаси, ёқилғи сақлаш

омбори, ёнғинга қарши сув сақлаш омбори, ичимлик ва ёнғинга қарши суви бошқариш пункти, ичимлик суви сақлаш модул ускунаси, ер ости сув чиқариш станцияси, фаввора ва дам олиш майдончаси, йиғилишлар майдончаси, байроқ устуни, чиқиндиларни йиғиш жойи, трансформатор пункти, 29 ўринли автомобиль турар жойи, спорт майдончалари каби объектлар қуриш режалаштирилган.

"А" блок асосий кириш холлари, боғловчи йўлақлар, мактаб кутубхонаси ва қоворкин маркази ҳамда мажлислар залидан иборат.

"Б" блок ўқув ва меҳнат амалиёти хоналарига мўлжалланган.

"В" блок ўқув хоналари, "STEAM laboratory", компьютер ва информатика ҳамда мактаб маъмурияти хоналарига мўлжалланган.

"Г" блок умумий ошона ва спорт залдан иборат. Бу блокда 14,7x24 метрлик спорт ва машғуллотлар зали мавжуд. Спорт зали волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва ўйинлар, мусобақа ҳамда дарслар ўтказишга мўлжалланган.

Ташқи пардос: цоколь – гранитни плитка, ташқи деворлар базальт қатлами иссиқлик сақловчи материал ва ташқи пардозли сувоқдан иборат. Ташқи ва ички дизайн ечимларида ёрқин ва контраст ранглар орқали таълим характериини берувчи замонавий руҳ, шакллар ва элементлар уйғунлиги омиллари кўзда тутилган.

Ўқувчиларда мотивация уйғонди

Равшан БОБОЖОНОВ,
Жиззах Политехника
институтини Қурилиш
материаллари
муҳандислиги факультети
декани ўринбосари.

Давлатимиз раҳбари томонидан янги тизим асосида йўлга қўйилган 5 та муҳим ташаббус ижроси бўйича Жиззах Политехника институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Ш. Рашидов туманидаги 43-мактабга таширф буюришди.

Учрашув аввалида институтнинг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори С. Эшбеков, хотин-қизлар кенгаши раиси Б. Турсунова, мураббийлар кенгаши раиси М. Холбекова, Қурилиш материаллари муҳандислиги факультети декани Ш. Эрбоев ва бошқалар мактаб педагогик жамоаси ҳамда ўқувчилар билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг, институт устозлари томонидан бешта муҳим ташаббус бўйича ўқувчилар ўртасида бир неча йўналишда танлов ўтказилди.

Биринчи ташаббус бўйича мактаб ўқувчиларига мусиқа, рассомлик, адабиёт каби санъат турлари бўйича топшириқлар берилди. Иккинчи ташаббусда жисмоний чинқириш, ўқувчиларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишлари учун спорт тадбирлари ўтказилди. Хусу-

сан, спортнинг шашка, шахмат, стол тенниси, 100 метрга югуриш турлари бўйича ташкил қилинган мусобақалар қизгин ўтди. Шунингдек, шеър ва ашула айтиш, тасвирий санъат, хор, дутор, доира ва ионикалар қалиш бўйича ўқувчилар иқтидорини синондан ўтказилди.

Барча йўналишдаги мусобақалар якунлангач, ғолиблар тақдирланди. Стол тенниси ва қизлар ўртасида 100 метрга югуриш бўйича 10-синф ўқувчиси Сарвиноз Алимбекова, ўғил болалар ўртасида 11-синф ўқувчиси Зухриддин Хотамов ғолиб бўлди. Шахмат бўйича 11-синф ўқувчиси Элмурод Хотамов, шашка бўйича 11-синф ўқувчиси Одил Шарипов ғолибликни қўлга киритди. Уларнинг ҳар бирига 50 000 сўмдан пул мукофоти ва баъдий китоблар совға қилинди. Тикувчилик йўналишида ғолиб бўлган ўқувчи қизга 200 000 сўм пул мукофоти берилди. Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчилари Гулбар Санаева-нинг 11-синф ўқувчилари учун, Муҳайё Солиеванинг эса 10-синф ўқувчиларига ўтган "Маҳорат дарслари" барчага бирдек маъқул келди.

Ёшларнинг таълим олиши ва касб-хунар эгаллаши учун кўрсатилган моддий рағбатлар ўқувчиларда янгича мотивация уйғотди, – дейди мактаб директори М. Усканов. – Маҳорат дарслари ва мусобақаларда қатнашиб, талаба бўлиш истагида юрган ўқувчиларимиз сони янада ортганидан биз устозлар ҳам қувондик.



Эскини ямаб, эсимиз кетарди, янгиси эса барчани қувонтирди

Фозилжон ҚОСИМОВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

2021 йилда инвестиция ва давлат дастури доирасида Жиззах вилоятида 13 та таълим муассасасига 127 млрд сўмдан ортиқ маблағ қурилиш, капитал ва мукамал таъмирлаш учун сарфланади. Мазкур вазиқлар ижросининг бир бўлаги сифатида Жиззах шаҳрида янги замонавий мактаблардан бири фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимиз тараққиётини белгилаб бевуви ва ҳал этувчи куч айнан келажак авлод ҳисобланишини теран англаган бунёдкорлар шаҳарнинг Мирзо Улуғбек маҳалласидаги қарийб 1 аср аввал қурилиб, маънан эскирган мактаб ўрнига янги ва замонавий имкониятларга эга бино қуриб беришди. Бу жойдаги 11 та 7 қаватли замонавий кўринишга эга уй-жойларнинг кўпайиши билан мак-

табга эҳтиёж катта эди. Шу боис янги таълим масканининг очилиши педагоглар, ўқувчилар, айниқса, маҳалла аҳлини беҳад манмун этди. Унинг очилиш тадбирида ана шу хурсандчилик тилларга кўчи, ёшлар таълим-тарбиясида бу каби эътиборнинг аҳамияти эътироф этилди.

Барча шароитлари мавжуд бўлган мактабимизда фаолият олиб боришимиз эртанги кунга ёрқин умиднинг белгисидир. Мактабимизда таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Эски биномиз 480 ўринга мўлжалланган эди. Янги бинода эса 925 нафар ўқувчи таълим олмақда, – деди мактаб директори Нигора Асқарова.

Янги мактаб биноси давлат-хусусий шерикчилиги асосида хусусий тадбиркорнинг ташаббуси билан қурилиб, фойдаланишга топширилгани қувонarli. Тадбирда қурувчи тадбиркорнинг меҳнати ва саховати эътироф этилди. 5 қаватдан иборат мактабда 35 та ўқув хонаси, 2 та ахборот технологиялари хонаси мавжуд.

МАМЛАКАТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Муҳтарам КОМИЛОВА,
Ўза муҳбири.

Нурфшон манзиллар, юксак мақсадларимиз сари элтувчи йўллар ҳамisha бизга ҳамроҳдир. Юртимизда кенг ва раvon магистраллар, энг сўнгги технологик ютуқларни ўзида мумкин эитган мухташам кўприклар, ер ости ва ер усти йўлларини куриш кўлами ва сифати йилдан-йилга ортиб бормоқда. Дунё андозаларига мос, кенг автомобиль йўлларини куриш учун эса миллиардлаб маблағ, юзлаб ишчи кучи зарурлиги кундек аён ҳақиқат.

Ўзбекистондаги жами автомобиль йўллари тармоғи узунлиги 209,5 минг километрдан зиёд. Унинг 42,869 километри умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, 141,883 километри ички ҳўжаликлараро, қишлоқ, шаҳар ва овулларнинг автомобиль йўллари, 24,745 километри эса идоравий инспекторлик йўллари тармоғи ҳисобланади. Шунингдек, автомобиль йўлларининг 9 фоизи халқаро, 33 фоизи давлат ҳамда 58 фоизи маҳаллий аҳамиятдаги йўллардир.

Бу ҳақда Автомобиль йўллари кўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "2021 йилда йўл курилиши ва таъмири соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда уларнинг сифат назорати" мавзуда ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитаси бошқарма бошлиғи Отаназар Жуманиёзов ва бошқалар автомобиль йўллари соҳасида олиб борилаётган ишлар, автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболлари борасида тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, жорий йил Инвестиция дастурига асосан 2735,8 ки-

лометрлик умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ҳамда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва бошқа дастурларга асосан 10 114,5 километр ички йўлларда, шаҳар кўчаларида куриш, қайта куриш ишлари амалга оширилади. Айни пайтда "маҳаллабай" юриб, таъмирланишига муҳтож, зарур йўллар аниқланиб, рўйхатга киритилмоқда.

2021 йилнинг I чорағи давомида умумийфойдаланувдаги 335 километр автомобиль йўлларида куриш, қайта куриш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари бажарилди. Минтақавий автомобиль йўллари ҳолатини зарур даражага келтириш орқали йўл-транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аиникса, қишлоқ жойларда қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳам сезиларли ишлар қилинди. Хусусан, I чорак мобайнида "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" ва бошқа дастурлар асосида 3 578,3 километрдан ортиқ ички йўллар таъмирланди.

Ҳар бир соҳа ривожига ҳуқуқий асослар муҳим ўрин тутади. Шу маънода автомобиль йўллари соҳасидаги норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича 25 та ҳужжатга тегишли ўзгаришлар киритиш таклифи ишлаб чиқилган. Шунингдек, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда 7 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган қатор саъй-ҳаракатларга қарамай, ҳақмон йўллар муаммоси аҳолини қийнаб келаятгани сир эмас. Аиникса, маҳаллий ва ички йўлларнинг абгор ҳолати ҳар бир худудда дуч келинаётган, йиллар давомида фуқароларнинг аруз додига сабаб бўлаётган масалалардандир. Буни давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифи давомида кутилмаганда кириб бораётган кўчалари мисолида ҳам кўп бора кузатяпмиз, гувоҳ бўляемиз. Ёзда чанг, тупроқ, куз-қишда лой, балчиқ йўллар ҳам пиедаларни, ҳам ҳайдовчиларни қийнаб келаяди. Ҳатто кўплаб марказий йўлларнинг

ҳолати ҳам ҳаминқадар эканлиги нафақат маҳаллий аҳоли вакиллари, балки хорижий сайёҳлар эътирозига ҳам сабаб бўлаётди.

Кўмита вакилларининг тақдим этган маълумотларига кура, курилиб фойдаланишига топширилган янги йўллар ҳар 6 йилда ўрта таъмирланиши, 12 йилда капитал таъмирланиши, 16 йилда қайта реконструкция қилиниши лозим экан. Бир сўз билан айтганда, белгиланган меъёрларга кура, янги йўл 16-20 йилга мўлжаллаб барпо этилар, шунча мuddат давомида аҳолига хизмат қилиши лозим экан. Аммо, афсуски, бу каби самарадорликка, сифатга эришиш амримаҳол.

Тўри, иқлим шароитлари, об-ҳаво, табиат инжиқликлари йўллар сифатига салбий таъсир қилмай қолмайди. Бундан ташқари, кўпи билан 7 тонналик босимга мўлжалланган автомобиль йўлларида 30-40 тонналик юк машиналарининг серқатнов бўлиши йўллар ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади. Шундай бўлсада, барча салбий таъсир ва омиллар курилиши лойиҳаси даврида инobatта олиниши лозим эмасми?

Айрим барпо этилаётган йўллар ҳатто 1 йилга чидаб бера олмаётгани, кўп ўтмай абгор ҳолга тушиб қолаётгани кишини ўйга толдиради. Аҳоли эътирозларига, норозилигига сабаб бўлади.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари йўл курилиши соҳасига оид ана шу каби ўткир муаммоларни ўртага ташлади. Сифатли йўлларга эга бўлиш энг муаммолли масаласи эканлиги қайд этилди. Аслида йўллар мамлакатнинг қон томирларидир. Равон магистраллар тараққиётга, ривожланишига хизмат қилувчи воситадир. Шундай экан, автомобиль йўллари сифати борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талай. Соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар тегишли мутасаддилар эътиборини тортиши, масъулиятини яна бир қара ошириши лозим.

Равон йўллардан обод манзилларга

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон шароитида йўл ҳаракатини тўғри ташкил этиш, равон ва сифатли йўл тармоқлари орқали йилга 19 миллион долларлик ёқилгини тежаш, 129 миллион долларга тенг тахминий зарарнинг олдини олиш мумкин. Эндиликда йўлларда пиеда ва ҳайдовчиларнинг ҳаракати, ҳаловати ва саломатлиги таъминланмоқда.

Самарқанднинг "Боғишамол" йўллардан мунтазам фойдаланиш йўнтар корхонаси жамоаси бу йўналишда ибратли ишларни амалга оширяпти.

Ҳар йили зиммага юкланган топшириклари бажариш, тендер объекларини куриш бўйича яхши натижалар қўлга киритилаяпти, – дейди корхона директори ўринбосари

Жасур Холмуродов. – Ўтган йили халқаро аҳамиятдаги А-378 "Самарқанд – Ғузур" автомобиль йўлининг 0-57 километри, давлат аҳамиятидаги 4Р-46 "Самарқанд – Жума – Каттақўрғон" автомобиль йўлининг 0-65 километри, 4Р-58 Д йўлининг 0-9 километр қисмини капитал ва жорий таъмирлашда иштирок этдик. Иш жараёнида Касаба уюшмаси ташаббуси билан ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси таъминланаяпти. Уларга мукофот ва ёрдам пуллари тарқатилиб, моддий мадад кўрсатилмоқда. Барчага махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимов ва гигиеник воситалар вақтида бериб борилади.

Шуни айтиш керакки, "Боғишамол"ликлар келгуси йилда Самарқандда ўтказилиши режалаштирилаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитига ҳозирлик кўрмоқда. Улар "Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи



хизмати" ДУК буюртмасига асосан республика автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан М-37 "Самарқанд – Бухоро – Туркманбоши" магистрал йўлини реконструкция қилишига бош қўшди. 200 нафардан зиёд ишчи-хизматчи корхонанинг механизмлари, техникалари ёрдамида иншоотни республика Мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида фойдаланишига топширишига астойдил бел болаган.

"Capital trust invest" МЧЖ

бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Очиқ аукцион савдога АТБ "Xalq banki" Toshkent shahar Uchtera filiali-ni 2021 йил 20 апрелдаги 240-сон-ли буюртманомасига асосан ўз тасарруфида бўлган қуйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор кўчаси, 2-уйда жойлашган умумий фойдаланиш майдони – 384 квадрат метр, курилиш ости майдони – 164 квадрат метрдан иборат нотурар жой бино ва иншооти. **Бошланғич нархи** – 1 531 536 943 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор кўчаси, 2-уйда жойлашган умумий фойдаланиш майдони – 49,7 квадрат метр, курилиш ости майдони – 23,85 квадрат метрдан иборат яқка тартибдаги турар жой. **Бошланғич нархи** – 398 770 825 сўм.

Аукцион савдо 2021 йил 24 май куни соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2021 йил 24 май куни соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2021 йил 8, 23 июнь ва 8, 23 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевоcита манзилга чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдода қатнашиш ис-тағини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан ҳар бир кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пули туланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

Аукцион савдода иштирок этувчи

талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, яқшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига аукцион савдо натижалари бўйича ғолиблик баён-номаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш ҳамда аукцион савдо натижаларига асосан ғолиб харидор савдо ташкилотчиси-га ҳар бир мулк сотув қийматидадан 1 физ миқдорига тўлов тўлаш мажбуриятини олади.

Закалат пулини тўлаш учун рекви-зитлар: "Capital trust invest" МЧЖ, АТБ "Xalq banki" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими: 2020 8000 1007 5716 6001, МФО 01132, СТИР 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. **Телефон:** 71-205-85-53. **Веб-сайт:** www.capitaltrust.uz.

Хизматлар лицензияланган. RR – 0298-сонли лицензия.

"Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога "Yangiyo' Agro-kimyo" МЧЖнинг 2021 йил 22 апрелдаги 13-сонли буюртманомасига асосан, Янгийўл тумани, "Шуралсой" ҚФЙ, Мирзо Улуғбек маҳалласи худудида жойлашган, **курилиш ости майдони** – 824,48 квадрат метрдан иборат, **умумий ер майдони** – 2 600,0 квадрат метрдан иборат бўлган "Дори шохобча бино ва иншоотларга база" кўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 2 012 874 000 сўм.

Аукцион савдо 2021 йил 28 май куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аукцион савдода иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аукцион савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрорий савдо 2021 йил 14, 28 май кунлари мулк сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Ариза буюртманомаларнинг қабул

қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдо яқунлари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

Аукцион савдода қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ийгрма) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖ филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2260 4000 2053 3172 3001, ХАТБ "Davr bank" Амалиёт бошқармаси, МФО 01121, СТИР 308 112 732.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13-А" уй. **Телефон/факс:** 71-237-23-86.

"Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ХАБАРНОМА

Ҳурматли акциядор, "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ, Сизга 2021 йил 17 май куни соат 11.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, Ипак йўли кўчаси, 110-уйдаги "Шахрисабз пахта тозалаш" акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлисар заллида "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2021 йил 10 май ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қатнашчиларини рўйхатга олиш 2021 йил 17 май куни соат 9.00 да бошланиб соат 10.45 гача давом этади.

Умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖнинг акциядорларининг 2020 йил 7 декабрда жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидидаги туртинчи масала бўйича қабул қилинган (Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, Жамият устав фондини ошириш, Жамият уставига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш) қарорларини бекор қилиш ва "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масаласини жамият акциядорларининг 2020 йил якунлари бўйича умумий йиғилишида кўриб чиқиш тўғрисида.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида акциядорлар умумий йиғилишининг материаллари (ахборотлари) билан "Шахрисабз пахта тозалаш" АЖда танишиш мумкин.

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ўзи билан паспорт, акциядорлар вакиллари эса Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.

"Шахрисабз пахта тозалаш" АЖ Кузатув кенгаши.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога "Олмазор тумани гаражлар бошқармаси" ДҚнинг 2021 йил 22 апрелдаги 11-сонли тақрорий буюртманомасига асосан Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 270-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:

1. 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 662 LBA бўлган "ГАЗ-5201" русумли техник носоз автотранспорт. **Бошланғич баҳоси** – 3 622 900 сўм.

2. 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 663 LBA бўлган "ГАЗ-5206" русумли техник носоз автотранспорт. **Бошланғич баҳоси** – 7 361 500 сўм.

3. 1988 йилда ишлаб чиқарилган,

давлат рақами 01 1843 AA бўлган "А-402" русумли ярим тиркама. **Бошланғич баҳоси** – 5 862 352 сўм.

Аукцион савдолар 2021 йил 10 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: 2021 йил 7 май куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги техника воситалари 2021 йил 10 май куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2021 йил 25 май, 8, 22 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Тақрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир

иш кун олдин соат 16.00 да тўхта-тилади.

Савдо ғолибига 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Davr-bank" Яққасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2002, МФО 01069, СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13-А" уй. **Телефон:** 71-237-23-91. **Веб-сайт:** www.rtm.uz **001805 рақамли гувоҳнома.**

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога "Шаҳар марказий кўчаларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармаси"нинг 2021 йил 4 апрелдаги 04-239-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси 65-уй манзилида сақланаётган қуйидаги техника воситалари тақроран кўйилмоқда:

1. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 СА 671 бўлган "Боре-рек-2302" русумли, техник носоз экскаватор. **Бошланғич баҳоси** – 35 441 200 сўм.

2. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 268 PBA бўлган "КАЗ-608 Б" русумли техник носоз юк автомашинаси. **Бошланғич баҳоси** – 13 886 600 сўм.

3. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 1927 AA бўлган "ОДАЗ 885" русумли техник носоз ярим тиркама (полу-прицеп). **Бошланғич баҳоси** – 4 666 300 сўм.

Аукцион савдо 2021 йил 26 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: 2021 йил 24 май куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги техника воситалари 2021 йил 26 май куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдо 2021 йил 9 июнь ва 23 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Тақрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: 9 июндаги сав-

до учун 7 июнь ва 23 июндаги савдо учун 21 июнь куни соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Davr Bank" Яққасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 5005 7145 2002, МФО 01069, СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13-А" уй. **Телефон:** 71-237-23-96. **Веб-сайт:** www.rtm.uz **001805 рақамли гувоҳнома.**

Тузатиш

Тошкент вилояти Курилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази "O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2021 йил 16 апрелдаги 29-сониди чоп этилган "2021 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар

қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан танлов савдолари" эълониди ТВ-05-01, ТВ-05-02, ТВ-05-03, ТВ-05-04 ва ТВ-05-05-сонли лотлари инobatта олинмаслигини маълум қилади.

Қадимий қадамжолар обод бўлмоқда



Зухриддин АҲАДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Бухорода сўнги мангит амирларнинг ёзги қароргоҳи – Ситораи Моҳи-хоса саройи сайёҳлар кўп ташир буюрадиган манзиллардан бири саналади.

Бу сарой 1911-1918 йилларда Амир Олимхон томонидан 400 га яқин уста қўли билан бунёд этилган. Бинолари Европа ва шарқона услубларнинг бир-бирига мослаштирилган ҳолда қурилган бўлса, боғлари соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқанддаги чорбоғлари кўринишида бунёд этилган.

Ҳукуматимизнинг тарихий қадамжоларга эътибори туфайли шу кунларда мазкур масканда ободонлаштириш ишлари кучаймоқда. Жумладан, саройнинг 4,7 гектарли боғ ҳудудида Бухоро иқлимга мос тут ва гужум кўчатлари ўтказилди. Мавжуд даракларга шакл берилиб, оқланди. Ерлар бегона ўтлардан тозаланди.

Таъмирлаш-тиклаш ишлари натижасида тўпланиб қолган чиқиндилар олиниб, 300 метрга яқин ёнғин хавфсизлиги йўлаги таъмирланди, унга шағал бостирилди. Сайёҳлар юриши учун мулжалланган йўлақлар атрофида турфа гуллар ўтказилди. Шунингдек, ҳудуддаги ноқонуний қурилмалар аниқланиб, бартараф этилди ва бўш турган ерларга ишлов берилди.

Нурликент аҳлига айём совғаси

Фозилжон ҚОСИМОВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Зомин туманидаги "Нурликент" МФЙда ҳашар йўли билан бунёд этилган замонавий жоме масжидининг фойдаланишга топширилгани шу жойда яшовчилар учун муборак Рамазон ойининг ўзига хос туҳфаси бўлди.

– Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз. Кейинги йилларда барчамиз муқаддас ислом динини мукаммал ўзлаштиришимиз учун улкан ишлар амалга оширилди, – дейди "Нурликент" МФЙ имом хатиби Акрам Сулаймонов. Янги бунёд этилган "Ибн Аббос"

жоме масжидининг очилиш маросимида иштирок этган жамоатчилик вакиллари сўз олиб, мамлакатимизда диний билимларни ўрганиш учун кенг эркинлик ва шароит яратилгани, мазкур жоме масжидининг очилиши маҳалла аҳли учун ўзига хос туҳфа бўлганини таъкидлашди.

Жоме масжиддаги танланган ранглар, ўзига хос мезморий ечим ва нақшлар моҳиятан бу ерга келган номозхонлар қалбигада поклик, меҳр-оқибат ва саховат каби эзгу фазилатлар билан уйғунлашадиган, инсон борлик, табиатнинг ажралмас бир қисми эканига, шу боис барчани яхшилик қилишга ундаётгандек таассурот қолдиради. Мазкур жоме масжиди 300 дан орტიқ намозхонни сиғдира олади. Бу ерда Куръони карим ва унинг тафсири, Ҳадиси шариф ва бошқа муқаддас китоблар ўрин олган бўлиб, номозхонларни илм-маърифатга чорлайди.

Беруний сиймосига эҳтиром

Марат УЛПЕТОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Буюк қомусчи олим Абу Райҳон Берунийнинг Кат шаҳрига (ҳозирги Беруний шаҳри) яқин жойда дунёга келгани 1957 йили олимлар томонидан аниқланган. Шу йили 4 июлда Ўзбекистон Олий Кенгаши қарори билан ўша пайтдаги Шаббаз туманининг номи Беруний деб ўзгартирилган.



Тарихий манбаларда ёзилишича, олим 973 йили қадимий Катда туғилиб, 1048 йили Газна шаҳрига яқин жойда оламдан ўтган. Бу жой ҳозирги Афғонистон Республикасининг Газна вилояти ҳудуди бўлиб, аллома Болохсор массивидаги Баҳлул боғига дафн этилган.

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Курбанбай Шаниязов Абу Райҳон Беруний дафн қилинган жой тупроғи Қорақалпоғис-



тонга қандай олиб келинганлиги ҳақида сўзлаб берди:

– Мустанқилликка эришилган сўнг Беруний туманида буюк бобомизнинг рамзий қабрини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилди. 1997 йили Ўзбекистондаги "Бобур" халқаро жамғармаси ёрдамида Афғонистондан

Беруний дафн қилинган жой тупроғи олиб келиниб, рамзий қабр ўрнатилди.

Журналистнинг эслашича, бу ишни амалга ошириш машаққатли бўлиб, ҳаттоки, олиб келиш учун борган автомашиналарга ўқ отиш ҳолатлари кузатилган. Шунга қарамастан, бир гуруҳ зиёлилар ва фаоллар ёрдамида бобомиз дафн қилинган жойдан бир сиким тупроқ юртимизга олиб келинди.

Бугунги кунда рамзий қабр атрофи ободон-

лаштирилиб, 2023 йили Беруний бобомизнинг 1050 йиллик юбилейини ўтказиш учун 12,5 гектар майдонда музей, 330 ўрилли математика фанига ихтисослашган мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, замонавий меҳмонхона, истироҳат боғидан иборат мажмуа қурилиши режалаштирилган.

Шу пайтга қадар бобомизнинг қабр-мақбарасини қайта таъмирлаш мақсадида тўрт-беш мартаба Газнага сафар қилинган. Аммо ҳар сафар хавфсизлик билан боғлиқ вазият режаларни ўзгартириб юборган. Афғонистонда доимий давом этаётган ички можаролар оқибатида мамлакатдаги тарихий ёдгорликлар ва турли қабрлар ҳам вайрона ҳолга келиб қолмоқда. Сўнги вақтларда, айниқса, Абу Райҳон Беруний қабрининг йўқ бўлиб кетиши хавфи дунё ҳамжамиятини ташвишлантирмоқда.

Шуни айтиш керакки, Берунийдан ташқари шу давлат ҳудудида Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Хусайн Бойқаро, Бобораҳим Машраб ва Амир Олимхоннинг ҳам қабрлари жойлашган.

Нуротада шундай чашма бор

Шухрат НОРМУРДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Нурота чашмасининг сирли жиҳатига унинг табиий жойлашган ўрни ва шифобахш хусусияти сабаб бўлган. Шунингдек, чашма таркибидаги фосфор моддаси сув ва балиқларнинг товланиб туришини таъминлаб, жозибали кўриниш пайдо қилади.

Чашма суви минглаб километр ер ости йўлақларидан сониясига 290 литр оқиб чиқади. У қишин-ёзин бир хил – 19,5 даража илқ бўлади. Минг

йиллар давомида оқиб турган чашманинг музлаши ҳеч кузатилмаган, у минераллашган юмшоқ ичимлик сувидир. Аниқланишича, унинг таркибида олтин моддаси бўлиб, ошқозон-ичак хасталиқларига даво. Сувадига йод моддаси буқоқ касаллигига, ноёб бром моддаси эса асаб касаллиқларига шифо экани қадимдан маълум. Таркибидаги кумуш эритмаси эса сувнинг яхши сақланишини таъминлайди.

Чашма сувининг 80 фоизи ер қаъридан чиқиб турса, қолган 20 фоизи ер ости йўлақларидан ва қудуқ томонидан келиб бутун шаҳарга ҳаёт бахш этади. Мазкур чашмадан тарихда энг кўпи сониясига 460 литргача сув чиққан бўлса, қурғоқ-

чилик йиллари 180 литргача келиши мумкин. Муқаддас чашма сувидан бугунги кунда кўплаб зиёратчилар ва чет элдан келган сайёҳлар ҳам олиб кетишади.

Чашмадаги балиқлар одатда тоғ дарёларида учрайди, фан тилида сўтбалик, яъни дарё маринкаси деб аталади. Мазкур балиқлар ургача 17 йил яшashi давомида чашма суви чиқадиган ариқчаларни кўмлардан тозалайди, оби ҳаётнинг мўтадил келишини таъминлаб, ҳатто уни фильтрлаб беради. Қизиги шундаки, балиқлар ҳеч қандай ташқи озۇқасиз, сув таркибидаги микроорганизмлар ва минераллардан озиқланади. Шу боис, ўтмишда уларни "авлиёбалик" деб ҳам аташган.

Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, ўтган аср бошларида огоҳлантирилган қарамай, рус аскарлари "авлиёбалик"дан овлаб еб, шу заҳоти вафот этишган. Мутахассисларнинг фикрича, ҳақиқатан ҳам бу балиқларни истеъмол қилиб бўлмайди. Чунки уларнинг ичиди қора пардаси бўлиб, увилдириги заҳарли, тозаламасдан истеъмол қилган одамнинг терисиди доғлар пайдо бўлади, кўпроқ истеъмол қилса, улимга олиб келади.

Бу илқий маскан бугунги кунда обод қилинган. Ёнида хиёбон, фаворалар, ям-яшил даракторзу гулзорлар барпо этилган. Сир-асрога тўла Нурота чашмасидан хорижлик сайёҳлар ва юртдошларимизнинг қадами узилмайди.

"Гуллар фестивали" Наманганга чорлайди

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori"
мухбири.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил май ойининг охирига ҳафтасида, Наманган шаҳрида навбатдаги, яъни 60- "Гуллар фестивали"ни ўтказиш тўғрисида фармойиш қабул қилганди. Тадбирни кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида айни пайтда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Одатдагидек байрамда корхона ва ташкилотлар, муассасалар, ҳаваскор гулчилар, тадбиркорлар қатнашади.

– Идорамиз шаҳардаги Нодим Намангоний кўчасида жойлашган, – дейди Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акрамжон Охунов. – Гул байрами аънаана мувофиқ бўлади. Шунинг учун биномиз олдидаги гулзорларни ўзига хос дизайн асосида безатдик. Уларни кўрган одамнинг баҳридили очилди. Бамисоли гуллардан яралган гилам дейсиз.



Вилоят ҳокимлиги ва маданият бошқармаси тегишли ташкилотлар билан биргаликда фестивалнинг очилишини юқори бадий шавияда ташкил этилишига масъул этиб тайинланган. Шаҳарнинг асосий кўчаларида махсус гуллар билан безатилган 150 та автотранспорт воситаларининг "Байрам паради" ўтказиши кўзда тутилган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи эса ҳунармандчилик буюмлари, китоблар, фотосуратлар, миллий либослар намойиши каби тадбирларга мезбонлик қилади.

– Ҳар бир шаҳарнинг ўз удумлари ва аънаналари бўлади,

– дейди меҳнат фахрийси Латифжон Аҳмедов. – Наманганда нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижликлар ҳам "Гул байрами" ўтказиш ажойиб одатга айланганини айтади.

Эътиборли жиҳати, эндиликда Наманганнинг халқаро брендига айланган гуллар бутун буй-басти билан намоён қилинадиган айёмларда Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистондан келган бир қанча меҳмонлар ҳам бевосита иштирок этиб келишмоқда. Бинобарин, гулсевар кент аҳлининг қўлтуғ айёмида намойиш қилинадиган турфа гуллар кўргазмаси, унга монанд

маданий тадбирларни ҳар қанча томоша қилса, завқланса арзийди. Айниқса, ранг-баранг гулу чечаклардан ороланиб, кўнгилга ёқадиган ифорога бурканган Бобур боғидаги ажиб манзаралардан кўз узиш қийин. Уста гулдорлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳаваскор бобонлари байрам тадбири доирасида 5 миллион тупдан ортиқ гул жойлаштирилган кўргазма, 100 дан ортиқ композицияли кўришнилар барпо қилишди.

Ташкилотчилар бу йил ҳам Намангандаги "Гуллар фестивали" ҳар доимгидай қизқарли ва жозибали ўтиши учун барча имкониятларни ишга солишади.

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!



Апрель ойининг шу кунларига таваллуд айёмларини нишонлаётган

Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Муҳаммадсиноил Турғунов**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Бобуржон Қаюмов**, юридик маслаҳатчи **Дилшоджон Хасанов**,

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича бош мутахассиси **Маҳмуд Мирзоев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҚМИ бўлими бош инспектори **Норбой Дурназаров**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Жиззах вилояти филиали етакчи мутахассиси **Эшмирза Кулматов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ИКТ мутахассиси **Раметулла Борибоев**, етакчи инспектори **Акмал Юлдашев**,

Наманган шаҳар қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Абдулазиз Тўшпўлатов**, Шаҳарсозлик қўнунчилигига риоя этилишини назорат қилиш архитектори **Достон Баходиржон ўғли**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси АКТ етакчи мутахассиси **Искандар Аҳмеджанов**,

Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Кадрлар бўлими бош инспектори **Мархабо Набиева**,

Тошкент вилояти, Зангиота тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектори **Ғайратжон Азимов**,

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бошлиғи **Улғбек Нурулдинов**, ҳайдовчи **Азимжон Рахимов**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Фарғона вилояти филиали кадрлар бўлими бош инспектори **Шахноза Гафурова**,

Хоразм вилояти, Боғот тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Фарҳад Қурбановларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.**

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фойз-баракка, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



Таҳрир хайъати:
Батир Закиров (Таҳрир хайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Исқандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов, Фолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Саҳифаловчи
Мусаххич

Дилшод Жалолов
Абдусами Ҳақбердиев
Акмал Махкамов
Марҳамат Муслмонкулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

«Ўзбекистон бунёдкори»
Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyudokori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-443.
2649 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли қоғоз этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Набатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Набатчи – Р. Хўжаева.
Ўз А.яқини – 22.40. Топширибди – 23.30.